Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 29 март, сешанба № 67 (21.671). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 март куни Америка Қўшма Штатларининг «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистоннинг олтин ишлаб чиқариш, шунингдек, мазкур қимматбаҳо маъдан заҳиралари бўйича жаҳоннинг пешқадам мамлакатлари сафида олдинга силжиётгани, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, акционерлик корпорациялари тузиш билан боғлиқ истиқболли режалар ҳақида сўзлаб берди. Йирик ва тажрибали корпорация — «Ньюмонт Майнинг» билан ҳамкорлик яхши натижалар бераётганини таъкидлади.

— Қисқа муддатли, аммо самарали меҳнатимиз туфайли сиз билан кўп йиллик қадрдонларга ўхшаб қолдик, — деди мамлакатимиз раҳбари «Зарафшон—Ньюмонт» қўшма корхонаси бошқаруви раисининг ўринбосари Гордон Паркерга мурожаат қилиб. — Ишонаманки, «Зарафшон—Ньюмонт» мамлакатимиз олтинининг жаҳон бозорида нуфузи ва қадри янада юксак бўлишига муносиб ҳисса қўшади.

Гордон Паркер самимий қабул ва ишонч учун Президентга миннатдорлик изҳор этди.

— Ҳамкорлик учун Ўзбекистондек имкониятлари катта республикани танлаганимиздан хурсандман, — деди Г. Паркер. — Айни пайтда Америка давлат департаментида мамлакатингиз билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Суҳбат давомида олтин ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Возненко, «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси раисининг ўринбосари Рональд Кембри, корпорация вице-президенти Марсель Дегвайер иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Наврўз байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни изҳор қилишдан ғоят мамнунман.

Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар умумий анъаналар ва муштарак маданий меросга асосланган бўлиб, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг бу муносабатлар ижобий йўналиш ва янги куч касб этди. Ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик дўстлигимизни мустаҳкамлаш йўлида юксалиб боришига ишонаман.

Жаноби олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Форуқ АҲМАД ХОН ЛЕГАРИ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Наврўз байрами муносабати билан Покистон ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш бизга ишониб топширилган. Мен келгусида икки томонлама муносабатларимизни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилавераман, деб Сиз жаноби олийларини ишонтиришни истар эдим.

Кези келгандан фойдаланиб, жаноби олийлари Сизга сиҳат-саломатлик ва осойишталик, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Беназир БХУТТО,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Филиппиндаги мусулмон бирадарлар, Филиппин халқи ва Филиппин Республикаси ҳукумати номидан ийд алфитр байрами муносабати билан самимий қутловлар ва энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Бу муқаддас кун барчамизга эзгу умидлар бахш этади ҳамда тинчлик-тотувлик, тараққиёт, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида қилаётган ишларимизда бизга янада илҳом бахш этади.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз, жаноби олийлари.

Фидель В. РАМОС,
Филиппин ПРЕЗИДЕНТИ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ҳиндистон халқи ва ўз номимдан Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига йўллаётган энг самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам давом этишига ишончим комил.

Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб қоламан.

Шанкар Даял ШАРМА,
Ҳиндистон Президенти.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

«КОКА-КОЛА» ТОШКЕНТДА

Жаҳонга машҳур «Кока-кола» компаниясининг маҳсулотлари эндиликда океан ортидан олиб келинмай, ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлди. Якшанба куни Тошкентда ана шундай қўшма корхона очилди.

«Кока-кола» компанияси, «Роз Трейдинг ЛТД» ва «Ўзозиқовқатсаноат» давлат концерни «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонасининг таъсисчилари бўлишди. Қўшма корхонани очишда уларнинг ҳар бири ўз улуши билан қатнашдилар. «Кока-кола» компанияси асосан хом ашёси, технологияси ва идишлари билан, «РОЗ Трейдинг ЛТД» модернизация ишларига сармояси билан, «Ўзозиқовқатсаноат» концерни эса иншоот, меҳнат ресурслари билан улуш қўшди. Қўшма корхонанинг жами сармояси 5,5 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Қўшма корхонада бу йил 1 миллион декалитр «Кока-кола» ичимлиги тайёрланади. Унинг қуввати аста-секин ошириб борилади, борабора 3 сменали ишга ўтилади. Яқин йиллар ичида корхона қуввати йилига 5 миллион декалитр маҳсулот ишлаб чиқаришга етади. Бу эса мамлакатимиз ички бозорини тўлдириш билан бирга жаҳон бозорига чиқиш имкониятини ҳам беради.

— Бугун компаниямиз ҳаётида қувончли воқеа рўй берди, — дейди «Кока-кола» компаниясининг Шимолий Европа ва Ўрта Шарқ гуруҳи Президенти ва шу компаниянинг катта вице-президенти жаноб Е. Невил Издел. — Ўйлаймизки, Тошкентдаги қўшма корхона ҳам ўсиб-ўниб компаниямиз шуҳратини оширади, мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини кўтаришга муносиб ҳисса қўшади.

Шуниси диққатга сазоворки, қўшма корхона таъсисчилари олинадиган фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш ниятидадир. Зеро, ҳозирданоқ келажакни кўзлаб иш тутган ҳақиқий тадбиркоргина ғолиб бўлади.

«Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Генри Лин Кларк ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Долзарб мавзуда*

ЭРТА ЭККАН ХИРМОН ҚИЛУР...

Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги пахта етиштириладиган энг шимолий ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун биринчи навбатда, айниқса, шимолий ва тоғолди зоналарда эртапишар навларни кўпроқ экиш лозим. Чунки бу ерларда фойдали ҳароратнинг етарли эмаслиги, ноқулай агроиқлим шароитлари шунга даъват этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бу борада дастлабки жиддий қадам қўйилган. Бу ерда жаҳон тажрибасида биринчи марта ўта тезпишар «АН—Чиллаки—1» ва тола сифати жиҳатидан ундан устун турувчи «Л—446», «Л—15», «Л—5» ўта тезпишар ғўза навлари яратилган.

Маълумотларга қараганда, уларнинг ҳосилдорлиги деҳқончилик ҳудудларига қараб гектар бошига 20—30 центнерни ташкил этади. «АН—Чиллаки—1» нави ва «Л—446», Л—15», «Л—5» янги ўта тезпишар навлар тупроқ-иқлим шароитларига ҳам мослашувчандир. Куннинг узайиши уларга кам таъсир қилади. Шунинг учун қайта ёки кеч экилганда ҳам кузги об-ҳаво ўртача келганда гектаридан 20—25 центнергача ҳосил беради.

Тажрибаларимизнинг кўрсатишича, «Л—446» ўта тезпишар ва ўртапишар «Тошкент—1» нави, яъни 22 майдан экилганда уларнинг ҳосилдорлиги қуйидагича бўлди: «Л—446» ғўза нави биринчи теримда гектарига 20,1 центнер, яъни «Тошкент—1» дан 8,3 центнер юқори ҳосил берди. Иккинчи теримда «Л—446» нави экилган ерлардан 5,5 центнер, «Тошкент—1» экилган майдонлардан 4,3 центнер пахта олинди.

Тажрибаларимиз ғўза навларини жойлаштиришда биринчи навбатда уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш кераклигини кўрсатмоқда. Бунда уларнинг тезпишарлигидан келиб чиқиш керак. Шу ўринда биринчи кўсакнинг очилишига қараб тезпишарлигини белгилаш бўйича ҳозир амал қилаётган қўлланма мукаммал эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Аслида асосий мезон дастлабки теримлардаги ҳосилдорлик бўлиши керак.

Ғўза куннинг ёруғ қисми 10—12 соат бўлганда яхши ривожланади. Ўзбекистон шароитида эса бу кўрсаткич 14—16 соатга тенг. Яъни бу ўсимликдаги ўсиш жараёнларини кучайтиради. Ривожланишини эса пасайтиради. Биз ғўзанинг мана шу биологик хусусиятларидан фойдаланишимиз лозим.

Аслида ўртапишар навлар учун (вегетация даври 130—145 кун) экишнинг энг яхши муддатлари 1—15 апрель ҳисобланади. Яъни, бу даврда барвақт ундириб олинган ўсимлик май ойининг қисқа кунларидан яхши фойдаланиш натижасида кўнгилдагидек ривожланади. Агроиқлим шароитлари апрелда ноқулай бўлса, нисбатан кеч муддатларда (1—10 май) ўртапишар навлар йўқотадиган ҳосилнинг ўрнини боса оладиган тезпишар навларни экиш мақсадга мувофиқдир.

Кеч ёки қайта экилганда (15—20 май) фақат ўта тезпишар навлардан фойдаланиш лозим. Май охири—июнь ойининг бошларида чигит экиш фақат иқтисодий жиҳатдан зарар келтиради. Таваккал қилиш ноўриндир. Чунки аввало, ҳосилдорлик юқори бўлмайди. Қолаверса тола сифати жуда паст бўлади.

«АН—Чиллаки—1» типидаги ўта тезпишар навларни шимолий ва тоғолди зоналарда, сизот сувлари чуқур жойлашган тошлоқ майдонларда, жанубий туманларда эса дон (арпа ва буғдой) шунингдек, озуқа экинлари йиғиштириб олингандан кейин асосий нав сифатида экса ҳам бўлади.

Ўта тезпишар навлардан фойдаланиш суғориладиган майдонлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Чунки бунда ердан икки марта ҳосил олинади. Юқорида қайд қилинган маълумотларни амалда татбиқ қилиш учун тез ва ўта тезпишар навларни пахтачилик системасига киритиш мақсадида республикамизда шу йўналишни ривожлантириш учун махсус уруғ етиштирадиган бир неча ихтисослаштирилган уруғчилик хўжаликлари ташкил этилиши лозим. Улар кеч, қайта ва асосий экиладиган майдонларга етадиган чигитни тайёрлаб беришлари мумкин.

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор.

Михаил КИКТЕВ,
биология фанлари номзоди.

Фориш тумани марказига борганда сўнг довон ошиб тушсангиз адир ва тепаликларга туташ ажиб маскан кўз олдингизда намоён бўлади. Бир томони боғ, бир томони яйлов. Бу боғни халқ Мусоқул бобонинг боғи деб атаб келарди. Буни қарангки, бутун ҳаётини шу жойларнинг гўзаллиги учун сарфлаган инсон хотираси қораабдалликлар томонидан эъзозланиб, давлат хўжалигига Мусоқул Оролов номи берилди.

Шу кунларда хўжалик яйловларида қўзилатиш қизғин. Жиззах вилоят кенгаши депутати Абрал Жумашев отарида ҳар юз бош совлиқдан олинаётган қўзи 120 таданга тўғри келмоқда.

СУРАТДА: илғор чўпон Абрал Жумашев яйловда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• *Ислоҳот қирралари*

МАЪЛУМОТ ЭМАС, МАҲСУЛОТ КЕРАК

Баъзан жойлардаги идораларнинг маълумотларни жамлашдаги жонбозликларини кўриб, қойил қоласиз. Масалан, деҳқончилик саноати уюшмаси биргина чорвачилик соҳасининг ўзидан йигирма беш хилдан зиёд маълумот тайёрлайди. Ва бу маълумотларнинг орасидан сиз ўзингизни қизиқтирган, ҳатто туманда бир йилда нечта ит қутурганги тўғрисидаги рақамни ҳам қидириб топишингиз мумкин.

Бир идорада тайёрланган маълумот кўп идораларга тарқатилиб «тома-тома кўл бўлиб» қолганидек, у бир куни тарихий аҳамиятни йўқотиб қўйгани учун саватга ташлаб юборилади.

Энди бир мисол келтирамиз. Ҳамма жойда бўлгани каби Сурхондарёда ҳам гўшт-сут саноати давлат ҳиссадорлик уюшмаси деган идора бор. Шу идоранинг бошлиги Шохдор Бобомуродов фақат гўшт-сутни эмас, вилоятда бир йилда неча тонна қовоқ ишлаб чиқарилаётганини ҳам маълумотга қараб айтиб бера олади. — Рақам деган нарса кўп маънони англатади. Рақамларни ташлаб юбормаслик керак. Рақамлар тахидан қанча-қанча ғоя-ю, ташаббусларни қидириб топса бўлади, — дейди у ҳазиллашиб.

Шу идорада жамланган маълумотларнинг вилоятда гўшт ва сутни кўпайтиришга нафи тегаяптими, йўқми, — буни айтолмайман. Лекин Сурхондарёнинг тайёрлов идораларида бир йилда қанча қорамолу қанча майда молнинг териси тайёрланаётгани ҳақидаги маълумот идора одамларини безовта қилиб қўйди.

— Биз чорвадорларнинг кўнглини ҳозир жун билан тери нархларининг арзонлиги ўртаб турибди, — дейди Шохдор Бобомуродов. — Бу нарсага чорвадорнинг ўзи сабабчи эканини биз энди-энди англаяпмиз. Айтайлик, қорамолнинг терисини бир килограмм гўштнинг нархи билан сота олмасанг. Жуннинг килосини 100 сўмдан сотсангу, ундан тайёрланган кўйлакни 50 минг сўмга сотиб олсанг...

Шу зайлда ғоя, ғоядан амалий иш ривож топди. Олтинсойдаги хўжаликлараро чорвачилик корхонаси ишчилари ўзларича чарм тайёрлаш цехини очдилар. Қумқўрғондаги тадбиркорлар темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган завод ишчилари билан кўп олишиб, терини ишлайдиган қўшма корхона ташкил қилдилар. Анғор туманидаги тери заводини ташкил қилишга бўлса Бобомуродовнинг ўзи бош-қош бўлди. Бу ерда мингдан зиёд тери ошланди. Сифати дуруст бўлса керакки, бу теріларни хорижлик савдогарлар сотиб олишмоқчи. Бобомуродовнинг бўлса бунақа тижоратга ҳуши йўқ.

— Чарм ҳам — хом ашё, — дейди у. — Чармдан кийим тикиб, бозорга чиқарсак, унда ишлар бошқача бўлади.

Бу ният яна бир ғояга асос бўлди: заводга мукаммал технологияни олиб кириш керак. Бунинг учун хорижлик тадбиркорлар билан тил топишмоқ керак.

— Тил топишиш йўлидаги урнинишларимизнинг дастлабки босқичидан «Мясомолпром» деб аталувчи номи улуғ идорамизнинг супраси анча қуруқлиги билинди-қолди, — дейди Ш. Бобомуродов. — Сармоя гаров эвазига келади. Ўзимиз ишлаб турган икки қаватли идора ва яна аллақандай мулкларимиз гаров тошини босишга жуда енгиллик қилиб турибди.

— Идорани бой бериб қўйишдан қўрқмайсизми — деб сўрайман ундан.

— Сиз бу гап билан лавозимни кўзда тутаяпсиз-да, — деб кулади Бобомуродов. — Мутлақо. Фалончидан фалончи идора, фалончи лавозим қолди, деган гап одамнинг номини улуғлашга камлик қилиб келган. Ишлашимиз керак. У ер-бу ерда кичик цехларнинг очилгани яхши. Лекин биз чармдан кийим-бош тикадиган фабрика очмоқчимиз — Сурхондарёнинг ёрлиғи билан. Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу ишимизга қувват бўлгай.

Мен Ш. Бобомуродовнинг «Подадан олдин чанг кўтармайлик» деб эслатган халқ мақолига амал қилиб, у кишининг оғзидан ёзиб олган гапларнинг ҳаммасини қоғозга тушириб ўтирмадим...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Миллий истиқлол мафкураси — ҳаётга!*

ЭЪТИҚОД — КЕЛАЖАК ЁҒДУСИ

Инсоният жаминяти жуда катта ва бой тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтди. Бу жараён турли халқларда турлича кечди. Натижада ўзининг бой тарихи, маънавий мероси ва миллий қадриятларига асосланган, аниқ мафкурасига эга бўлган халқлар тараққиётда илгарилаб кетди ва аксинча, мафкурадан атайин ажратиб қўйилган миллатлар орқада қолди.

Ўзининг қадимий мафкуравий қарашлари ва маънавий мероси билан қадимги Рим, Юнонистон, Хитой, Миср халқлари билан тенглаша оладиган, жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ўзбек халқи кейинги юз-юз эллик йил давомида ўз мафкурасидан ажратилган халқлар қаторига тушиб қолганди. Айниқса, шўро тузуми йилларида собиқ СССРга «ихтиёрий» бирлашган халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига олинмай ҳамма учун бир хил коммунистик мафкуранинг жорий этилиши халқимизни тарихи, маданияти ва мафкурасидан узоқлаштирди. Аммо халқ ўз мафкураси, маънавияти, қадриятларига бўлган эътиқодини асло йўқотмади, балки унга таянган ҳолда истиқлол учун астойдил курашди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, авлодуаждодларимиз мелоддан олдинги даврлардаёқ ўз мафкуравий қарашлари, маданий ва маърифий эътиқоди, ахлоқ-одоби билан Эрон Аҳмонийлари ва Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги юнон-македонларини лол қолдирган.

Халқимизнинг мафкуравий қарашлари ва маънавий эътиқоди буюк бобокалонларимиз: Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Баҳоутдин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа мутафаккир, аллома, давлат арбоблари томонидан янада ривожлантирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, аждодларимиз ҳеч қачон ўз мафкураси ва маънавияти қобиғига ўралиб қолмаган, аксинча, уни бошқа халқлар ва давлатлар билан бўлган алоқаларда умуминсоний қадриятлар билан бойитган.

Албатта, бундай халқ ўзининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва мафкуравий мустақиллигини ҳар қандай шароитда ҳам қадрлайди ва улуғлайди.

Халқимизнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, сахийлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик каби умуминсоний ғоялар билан тўлиб-тошган ва асрлар давомида шаклланган миллий мафкуравий қарашларини чуқур ва мукаммал эгаллаш, уни ёш авлодга тўлалигича сингдириш бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим долзарб вазифадир. Шуни унутмаслик керакки, ўз мустақил умидбахш мафкурасига, дунёқарашига, ҳаётбахш эътиқодига эга бўлмаган халқнинг келажаги ҳам ёруғ бўлмайди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек, ўзбек халқи буюк халқ, демак, ўзбекистонимизнинг келажаги ҳам буюк. Шу буюкликни, ёрқин келажак — истиқлолни англаб етиш керак. Бунинг учун эса аниқ ғоя, эътиқод, мафкура зарур. Собиқ СССРнинг тарқалиши, КПССнинг сиёсий ва мафкура майдонидан кетиши, Ўзбекистонимизнинг тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлиши кўпгина кишиларнинг бошини чалғитиб қўйди. Биратўла халқимизга ёт эски коммунистик мафкурадан воз кечилди. Натижада мустақилликни англаб етиш, уни янада мустаҳкамлаб, кейинги авлодларга қолдириш, истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи халқимиз руҳига хос ва мос миллий мафкурага эҳтиёж туғилди. Буни биринчи бўлиб англаган Президентимиз Ислом Каримов ўзининг бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган учрашувида, шунингдек, қатор рисола, мақола, маъруза ва нутқларида мамлакатимиз адиблари, зиёлилари олдига мустақил Ўзбекистоннинг Миллий истиқлол мафкурасини яратиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

Ўтган даврда бу борада бир қатор аниқ амалий қадамлар қўйилди. Халқимиз ўз қадриятларидан баҳраманд бўла бошлади. Улуғларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Баҳоутдин Нақшбанд юбилейларининг ўтказилиши, Тошкентда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳайкалларининг қўйилиши, Улуғбек юбилейига тайёргарлик каби тантаналар халқимизнинг ўзлигини англашида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мустақиллик шарофати ила халқимиз ўз улуғларини улуғлаш, уларни яна бир бор жаҳонга танитиш, улар таълимотидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Шоиру-ёзувчилар, таниқли файласуфлар, тарихчилар ва бошқа кўплаб зиёли олимлар томонидан миллий мафкура, уни шакллантириш тўғрисида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, унда халқимиз асрлар давомида орзу қилган, ҳамиша интилиб келган мустақиллик, эркинлик, ижтимоий тенглик, меҳнатни улуғлаш, она заминга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби ҳаётбахш ва умидбахш ғоялар мужассамлашган.

Эндиги вазифа билдирилган фикр ва мулоҳазаларни, таклиф ва далил-исботларни умумлаштириб, она заминимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар манфаатига, руҳига мос яратилган истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ қилиш, уни халқимизнинг барча тоифалари онгига сингдириш, юртимизда мавжуд бўлган энг катта бойлигимиз — тинчлик, осойишталик ва барқарорликни асраб-авайлаш, ҳар бир фуқарога шу замин, шу Ватан барчамизники эканлигини англатиш, мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳар биримизнинг унга садоқатимиз, самарали меҳнатимизга боғлиқ эканлигини тушунтиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Тараққиёт ва истиқлолимизни ёритиб турувчи мафкурамизни изчиллик билан жорий этиш бизнинг назаримизда бир қатор тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Авваламбор, мафкурани ҳаётга жорий қилиш «кампаниячилик»ка айланиб қолмай, доимий ва мунтазам жараён бўлиши керак. Иккинчидан, истиқлол мафкураси ҳар қандай сиёсий таъсирдан ҳоли бўлиб, республикамиздаги барча халқлар манфаатига жавоб берадиган ҳолатда давлат томонидан амалга оширилса.

Бунинг учун Президент девони ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида махсус «Мафкуравий марказ» ташкил қилинса ва шу ерда бутун мафкуравий фаолият умумлаштирилиб, аниқ мақсад сари йўналтирилса. Учинчидан, халқимизнинг ўз тарихи, бой маънавий мероси, миллий қадриятларидан тўлароқ баҳраманд қилиш учун Ўзбекистон тарихи музейи материалларидан кенг фойдаланиб, у ерда махсус бўлим очиб, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилса. Тўртинчидан, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, мафкура масалаларига бағишланган махсус газета ташкил қилиш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий адабиётларни кенг оммага етиб бориши учун ҳомийлар ёрдамида ҳозирча арзонроқ нархларда сотишни уюштириш мақсадга мувофиқ бўлармиди. Бешинчидан, таълим-тарбия тизимида махсус «Истиқлол мафкураси» курсини ўқитишни йўлга қўйиш, бу соҳада мутахассис кадрлар тайёрлашни кўпайтириш, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида мафкуравий фанлар ҳисобланган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни шу мақсадга мослаштириш керак. Олтинчидан, талаба ёшларга хорижий мамлакатлар ва халқлар мафкуравий қарашларидан ҳам билим бериш асосида уларни ўз истиқлол мафкурамизга садоқат руҳида тарбиялаш.

Хулоса қилиб айтганда, Миллий истиқлол мафкураси халқимизни, авваламбор, келажагимиз учун масъул бўлган ёш авлодни ғурурли, ориятли, иймон, инсофли, садоқатли, ҳақиқий фидойи ватанпарвар қилиб тарбиялашда асосий мезон бўлмоғи керак.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўллаб-қувватлаши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти ҳамда ижтимоий-гуманитар кафедралари ташаббуси билан ўтказилган ва истиқлол мафкурасининг шаклланиш муаммоларига бағишланган олий ўқув юртларияро илмий-назарий ва амалий конференцияда айнан шу масалалар бўйича кўплаб қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Искандар ҲАЙИТОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тарих ва ҳуқуқ кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.

ХДП ХАЛҚ ОРАСИДА

АНИҚ ТАДБИРЛАР АСОСИДА

Эллиққалъа туманида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ишлар бошлаб юборилди. ХДП туман кенгаши ҳам бу муҳим сиёсий ишда фаол иштирок қилмоқда.

Туман партия кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида ушбу Қонунга мувофиқ туман партия кенгашининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари юзасидан тадбирлари тасдиқланган эди. Бугунги кунда ана шу тадбирларни амалга оширишда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, аҳоли яшаш жойларида қизғин тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу тадбирларнинг вазифалари — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг партия фаоллари томонидан чуқур ўрганилишини таъминлаш ва ХДП туман ташкилотларида, меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш, шунингдек, туман партия кенгашлари фаолиятини сайловларга тайёргарлик кўришга йўналтиришдан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ва ХДП туман ташкилотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари» мавзуида туман партия ташкилотининг фаоллари ва ХДП аъзолари бўлган депутатлар иштирокида семинар-кенгаш ўтказиш мўлжалланган.

ХДП туман кенгаши ҳокимликнинг ижроия аппарати билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакатда тартиб ва барқарорликни таъминлашдаги роли» мавзуида меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида шу ойда ягона сиёсий кун ҳам ўтказади.

«Мустақил Ўзбекистон Олий Мажлисга сайловларни муносиб кутиб олайлик!», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг асосий йўналишлари», «Олий Мажлис депутатлигига номзодлар қандай бўлиши керак?», «Ўзбекистон ХДП ҳаракат дастуридан» мавзуларида ХДП туман кенгаши биносида кўргазмали бурчак ташкил этилмоқда.

Сайлов мавсумига тайёргарлик кўрувчи партия ташкилотларида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунни чуқур ўқиб ўрганиш учун сиёсий тўгараклар тузилди. Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида «Олий мажлис депутатлигига номзод қандай бўлиши керак?» деган мавзуда партия фаоллари ва ХДП аъзолари бўлган депутатлар, Ёшлар Иттифоқи фаоллари иштирокида мунозара уюштириш ҳам кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, белгиланган барча тадбирларнинг тўла-тўкис амалга ошиши учун ХДП Эллиққалъа туман кенгашининг биринчи котиби Ф. Ибодуллаев ва бошқа фаоллар етарли шарт-шароит яратиб беришда жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

А. ҲАМИДОВ.

Дўстлик туманидаги пахта тозалаш заводи ишчилари маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор беришмоқда. Зеро, маҳсулотнинг асосий қисми чет элдаги шерикларга етказиб берилади.

СУРАТДА: корхона бош муҳандиси Шарафиддин Шамсиев ва товаршунос Сайали Муҳаммадёров.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

• *Бизнинг суҳбат*

Алишер Тешабоевнинг мутахассислиги ҳуқуқшунос. Ўтган йилнинг 15 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг IX пленумида Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу қисқа давр мобайнида бир қанча эътироф этса арзигулик ишлар бевосита унинг етакчилигида бўлди.

— Менинг назаримда ёшлар билан ишлаш ниҳоятда завқли. Айниқса, ёшларимиз юртбошимизнинг «Бугунги қийинчиликларни енгишга жонини тиккан, иродаси мустаҳкам ёш авлодга таянамиз, уларга ҳаётда ҳар томонлама йўл очиб беришга тайёрмиз. Шундай одамлар билангина мақсадимизга етамиз» деб билдирган ишончига жавобан жамиятда ўз масъулиятини англаб, қалбдан ҳис қилиб, республикамиз равнақи йўлида фаолият кўрсатса, ўйлайманки, ҳар қандай қийинчиликлар ортда қолгай.

— Албатта, биз ўтиш даврининг Ёшлар Иттифоқига ҳам таъсиридан кўз юмолмаймиз. Аммо, Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар гал ўз нутқларида республикамиз ёшларига катта ишонч билдираётгани ҳар бир ёшни ғайрат билан ишлашга даъват этади. Буюк келажагимиз назарда тутилганда албатта, шу келажак бугунги ёшлар билан боғлиқлигини унутмаслик керак. Юртбошимиз саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқида: «22 миллион аҳоли (шуннг ярми 18 ёшгача бўлганлар) яшайдиган, ноёб табиий шароитда ўрнашган, энергетика ресурслари ва қазилма бойликларга, бой минерал заҳираларга эга бўлган Ўзбекистон энг жўшқин ривожланаётган ёш мустақил давлатлардан биридир» деган эди.

Шунингдек, республикамизда иқтисодиётнинг илғор усулларини кенг жорий этиш, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада ҳам айнан юртбошимиз ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатяпти. Шундай экан, ёшлар билан ишлаш завқи ғайрат-шижоатни талаб этади. Мақсад — ишончга жавобан ишончли таянчга айланиш.

МАҚСАД — ИШОНЧНИ ТАЯНЧГА АЙЛАНТИРИШ

дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер ТЕШАБОЕВ.

— Февраль ойининг охирида уч кун давом этган Андижон вилоятидаги «Ёш тадбиркор — 94» республика илмий-амалий анжуман якунлари, унинг самаралари билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон равнақи учун фаолият кўрсатаётган ёш тадбиркорлар ва тижоратчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Республика Президентининг 1994 йил 21 январидаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси «Ёш тадбиркор — 94» республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Анжумандан кўзланган мақсад ёш тадбиркорларни бир-бири билан таништириш, улар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш эди.

Анжуманда вилоятлардан 150 га яқин тадбиркор қатнашди. «Ёш тадбиркор — 94» илмий-амалий анжумани тўрт йўналишда, яъни тижорат (хусусий) банк тизими, миллий ҳунармандчилик, фермер хўжалиги, хусусий комплект бўйича ўтди. Шу йўналишлар асосида барча вилоятлардан ёш тадбиркорлар, ишбилармонлар иштирок этдилар.

Анжуманда асосий эътиборни шахсий хусусий тадбиркорликка қаратдик. Нега, деган савол туғилиши табиий. Чунки халқ фаровонлигини ошириш, мулкни асраш ва кўпайтириш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишда шу соҳанинг кенг қанот ёзиб, ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ёшлар бу борада кўпроқ ташаббускор ва ташкилотчи бўлгани учун биз шундай ёш тадбиркор ва ишбилармонларни танладик.

Ниятимиз, бу катта тадбирнинг анъанавий бўлиб қолишига эришиш. Зеро, тажриба алмашиш, бевосита мулоқотлар ва баҳслар орқали янги ғоялар, режалар тузилади. Янгилик эса, шубҳасиз тараққиёт мезонидир. Янада мустаҳкамлаш, фуқаролар осойишталигини ва Ватанимиз тараққиётини таъминлашда халқимизнинг, барча сиёсий кучларнинг, жамоат ташкилотларининг бир мақсад сари якдил, бир танбир жон бўлиб ишлаши бениҳоя муҳимдир. Қолаверса, бу борадаги халқимизнинг «Бирлашган ўзар...» нақлига амал қилган ютади.

Шу маънода Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасида 1991 йилда имзоланган шартномага асосан ўзаро тенг манфаат ва ҳуқуқ асосида ҳамкорлигимиз бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда бу ҳамкорлик янада ривожлантирилмоқда. Деярли барча вилоят, шаҳар, туман Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг биринчи котиблари Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари ижроия бюроси аъзосидир.

— Айтингчи, бугунги кунда Ёшлар Иттифоқи билан Ўзбекистон ХДП ҳамкорлиги қандай? Бу икки сиёсий кучнинг ҳамжиҳатлик билан бир мақсад сари, яъни, юртимиз фаровонлиги йўлида олиб борадиган ишларидан қониқасизми?

— Мустақиллигимизни Ўзбекистон ХДП сафлари ёшлар ҳисобидан тобора кенгайиб боряпти. Партиянинг ёшларга ишончи ортаётганини кадрларни танлашда ҳам кўриш мумкин. Масалан, илгари Ёшлар Иттифоқида ишлаган Баҳриддин Муҳиддинов ҳозир Ўзбекистон ХДП Когон туман кенгашининг биринчи котиби, яқинда Бўрибой Бўронов Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди. Шунингдек, Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган Қаҳрамон Собиров айни пайтда Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгашининг биринчи котибидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, айтиш жоизки, ташкилотларимиз ўртасида аниқ мақсад сари йўналтирилган ҳамкорлик самарали натижалар бермоқда.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ва вилоят Ёшлар Иттифоқининг ҳамкорликда олиб борган саъй-ҳаракатлари боис 1992 йилнинг декабрь ойида Наманган шаҳридаги тартиббузарликлар олди олинган эди. Яқинда Самарқанд шаҳрида икки ташкилотнинг ташаббуси орқали афғон уруши қатнашчилари билан учрашув ўтказилди. Унда байналмилал жангчилар олдида турган муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилди.

Бу амалга оширилаётган ишларимизнинг бир қисми, холос. Энг муҳими, бирга-ликдаги саъй-ҳаракатимиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бор куч-ғайратимизни юрт равнақи йўлида мувофиқлаштиришга қаратилган. Албатта, ҳамкорликнинг янги қирраларини топиб ишлайверамиз.

Апрель ойида ёшлар ҳаётида яна бир тарихий аҳамиятга молик анжуман — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи бўлиб ўтади. Унга тайёргарликнинг борши ва қабул қилинадиган Ёшлар Иттифоқининг келгусидаги фаолияти учун муҳим ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Низоми, Ҳаракат дастури, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— 4-5 апрель кунлари навбатдаги XXVI қурултойимиз бўлади. Мамлакатимиз ёшларининг олий анжуманида биз йигит-қизларимизни ҳимоя қилишга қаратилган, Асосий қонунимиз — Қомусимиз ва бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган ҳаётий ҳужжатларни қабул қиламиз. Шу муносабат билан матбуотда («Туркистон» газетасининг 4 март сони) эълон қилинган ёшлар учун юксак аҳамиятли ҳужжатлар лойиҳасига ҳар бир аъзомизни ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришини истар эдим. Ёшларнинг биз кутгандан кўра янада фаолроқ бўлиши пишиқ ва пухта ҳужжатларни яратишга имкон яратади. Ҳозир барча туманлардаги бошланғич партия ташкилотларида лойиҳалар муҳокамасига доир йиғилишлар бўлиб ўтяпти. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят, туман қўмиталари ёшлардан тушган фикрларни жамлаб, Марказий Қўмитага тақдим этади. Бир сўз билан айтганда қурилтойолди ишлари қизғин тус олган.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан, ёшларнинг жипслигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда уларнинг олдинги сафда бўлишига эришиш, уларни умрбоқий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилаверамиз.

Суҳбатдош:
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

«ТУРКМАНДАРМОН» БИРЛАШМАСИ КОБРАЛАРИ

АШГАБАТ. Туркманистонда кобра ва заҳарли газанда илонлар галаси йил сайин камайиб бораётганлигига қарамай, заҳар тайёрлаш муаммо эмас.

Туркманистон илоншуносларининг ҳар йили бир грамми 1000 доллар турадиган оқ ялтироқ моддадан бир килограммдан ортиқроқ тайёрлашга эришмоқдалар. Лекин бу шифобахш заҳарни сотиш муаммоси бор. Илгари ягона Иттифоқ даврида ҳамма тайёрланган заҳар нақ марказга юборилар, ундан нималар тайёрланишини Туркманистонда бирорта инсон билмас эди. Эндиликда қимматбаҳо ҳом ашёни сотиш «Туркмандармон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси учун мураккаб вазифа бўлиб турибди. Ўтган йили йиғиштириб олинган барча ҳосил шиша идишларда оғзи сўрғичланган ҳолда темир қутиларда мижозларини ҳамон кутмоқда. Бу темир қутиларда камида бир миллион долларлик илон заҳари йиғилиб қолган.

Мутахассислар жаҳон бозорида илон заҳарига бўлган талаб камайиб бораётганлигини турли сабаблар билан изоҳламоқдалар. Улардан бири химиклар синтезлаган сунъий заҳар табиийсига қараганда бирмунча арзон эмиш.

ЗИЁЛИЛАР БАҲРАМАНД БЎЛИШАДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фан, маданият, халқ хўжалиги, маориф, соғлиқни сақлаш, архив муассасалари ва ижтимоий соҳалардаги айрим тоифадаги ходимларнинг ойлик маошини 50 фоиз ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тадбир ўтган ойдан бошлаб кучга кирган.

ИТАЛИЯ ТУРКМАНИСТОНДА КОРХОНА ҚУРАДИ

АШГАБАТ. Туркманистоннинг шарқида «Ватан» жамоа хўжалигида қанд ва спирт ишлаб чиқарадиган янги завод қурилиши тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ҳужжатни республика Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари вазирлиги ва Италиянинг «Нексус» фирмаси тайёрлашган. Бир йилда 50 минг тонна шакар ва 400 минг мегалитр спирт ишлаб чиқарадиган бу корхона 1996 йилда бунёд этилади. Қурилиш ишлари шу йилнинг ўзида бошлаб юборилади. Завод маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун унга йилига 200 минг тонна лавлаги керак бўлади.

БОЙҚЎНҒИР ЕРЛАРИ МУСАФФОМИ?

АЛМАТИ. Бойқўнғир космодроминн кўп йиллар мобайнида ишлатиш айрим мутахассисларнинг фикрларига қараганда, минтақа экологиясига катта зарар етказган.

Жойларда ракеталарнинг тушган турли хил парчалари таркибида бўлган ёқилғи моддалари сув ҳавзаларига оқиб тушган. Коинот кемаларининг улкан бандаргоҳи атрофида ерга кўмиб юборилган ўнлаб радиоактив моддалар парчалари бор. Ҳозирда бу жойдаги 4,5 минг гектар майдонни қайтадан парвариш қилишга тўғри келмоқда.

ҲАВО АНЧА ТОВА БЎЛАДИ

ЖАМБУЛ. Жамбул шаҳридаги «Химиясаноати» акциядорлик жамиятининг фосфор, ортофосфор кислотаси ва минерал ўғит ишлаб чиқарувчи цехи тўхтаб қолди.

Электр қуввати ҳақининг ошиши, транспорт хизмати пулининг кўтарилиши ва солиқларнинг баландлиги натижасида маҳсулотнинг таннархи қимматлашиб бораётганлиги бунга асосий сабаб бўлди.

ВОСИТАЧИ ОДАТДА КИМГА ЕН БОСАДИ

БИШКЕК. Мамлакат пойтахтида АҚШнинг «Парадью энд Мэсси» фирмаси ваколатхонаси очилди. У тижоратчиликни ҳуқуқий таъминлаш масалалари билан шуғулланади.

Бўлим Америка тижоратчиларининг манфаатларини кўзлайди, ишбилармон доиралари вакилларига ёрдам беради, иккала томонни АҚШда ва Қирғизистонда тижоратбай савдоси ишлари ҳақида хабардор этиб туради.

РОССИЯ НАШРЛАРИ ТАРҚАТИЛМОҚДА

АЛМАТИ. Россия нашрларини Қозоғистонга келтириш ишлари яна тикланди. Бундан бир йил муқаддам ўзаро ҳисоб-китоблар тўхтаб қолганлиги сабабли нашрларни ташиш ишлари тўхтаб қолган эди.

Эндиликда 48 номдаги Россия нашрлари — газета ва журналлар республикага мунтазам келадиган бўлди. Қозоғистон Алоқа вазирлиги обуна пулларининг бир қисмини Россия Марказий банкига ўтказмаган бўлса ҳам, матбуот тарқатишга муҳим иш, деб қаралмоқда. Россия Федерацияси тегишли пулларни олиши учун ваъда берилган ҳолда бошқа нашрларни ҳам олиб келиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Душанбе шаҳри билан Беларуснинг Минск шаҳри ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланди.

Шартномага Душанбе шаҳар Ижроқўмининг раиси Ж. Мансуров ва Минск шаҳар Ижроқўми раиси А. Герасименко имзо чекишди. 17 банддан иборат бўлган ва Минск шаҳрида имзоланган бу битимда икки шаҳар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, хўжалик, спорт ва туризм каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

АКАДЕМИК ЖАРРОҲ ТАШАББУСИ

Республика Болалар бош жарроҳи, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги Аъзам Пўлатов ташаббуси билан Душанбедаги 10-шифохонада бир кунлик жарроҳлик касалхонаси ташкил этилди.

Бу жарроҳлик касалхонасида ҳозиргача 200 нафар бемор бола операция қилинди. Келгусида бундай бир кунлик жарроҳлик касалхоналари республиканинг бошқа шифохоналарида ҳам ташкил этилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

Хуршид ДАВРОН

АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

Боғ яратиш, боғдорчилик амали инсоният тараққиёти тарихидаги энг улуғ кашфиётларнинг биридир. Инсон ибтидоий замонлардан боғни ҳаёт ва тўкинчилик рамзи санайди. Ҳамма қадимий диний асотирларда жаннат мангу яшнаб турган боққа қиёс этилади. Шу сабабдан Шарқ шоирлари гўзал боғларни ва яшил шаҳарларни «жаннатмонанд», «фирдавсмонанд» деб таъриф этадилар.

Энг қадимий Шумер салтанатидан бошлаб инсон суғориш тармоқларини мукаммаллаштира бошлаган. Бу эса ўз навбатида боғдорчиликни ривожлантирган. Олис юдузлар сирини кашф этишга иштиёқманд қадим донишмандлар табиатни гўзаллик тимсоли деб билиб, ундан руҳий завқ олишга интилганлар, охир—оқибатда нафис табиат ижодидан қиёс олиб боғлар ярата бошлаганлар. Мелоддан аввалги 811—781 йилларда Ашшура (Ассирия) маликаси Шамурамат — Семирамида яратган осма боғлар, Миср подшоҳи Шаддот бунёд этган Боғи Эрам ҳақидаги афсоналар ҳануз-ҳанузгача одамзотни ҳаяжонга солади.

Боғдорчилик тарихи халқ тарихи, унинг маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъати, деҳқончилиги тарихи ва тажрибаси билан чамбарчас боғлиқ. Муайян халқ яшаган жўғрофий ҳудуд, унинг маданий-илмий равнақи, адабиёти ва санъати, деҳқончилик ва суғориш тармоқлари даражаси ўтмишда яратилган боғу роғларда ўз аксини топган.

Буюк бобомиз Амир Темур бунёд этган боғлар жаҳон боғдорчилик тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Соҳибқирон тарихини ўрганиш билан шуғулланган ҳамма муаррихи олимлар Турон султонининг боғдорчилик салоҳиятини эътироф этиб, ўз асарларида у бино этган боғларни таърифу тасниф этадилар.

Фирдавсмонанд деб мадҳ этилган Самарқанд тупроғи азал-азалдан боғлар мамлакати саналган. Минг йилча бурун бу тупроққа келган Истахрий шундай маълумот ёзиб қолдирган: «Бирон теپаликка чиқиб, атрофга назар ташлайдиган бўлсангиз, Самарқанд Суғдида, шунингдек, Самарқанднинг ўзида ҳам нигоҳингиз кўкаламзорга ва ёқимли жойларга тушади. Унинг яқинида дарахтсиз тоғлар ва чанги чиқиб ётган даштлар йўқ. Самарқанд Суғди биз тилга олган учта жой орасида энг гўзалдир, чунки у Бухоро чегарасига қадар Суғд (Зарафшон) дарёси бўйлаб ўнг ва чап томондан узилмай давом этиб келади. Унинг катталиги шунчаки, кўкаламзор ва боғлар орасидан саккиз кун юрасан. Бу доимо сув оқиб турадиган ариқлар билан ўраб олинган яхлит боғлардир, ўтлоқлар ва далалар ўртасида эса ҳовузлар бор. Дарёнинг ҳар икки ёқаси кўм-кўк дарахтлар ва экинзорлар билан қопланган. Яшил дарахтлар экинларни ҳимоя қилади, экинзорлардан кейин эса чорва моллар учун яйловлар ястанган. Бу ердаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқда кўрғон бўлиб, у кўкаламзорлар орасида бамисоли сув ўзанлари билан тўқилган ва қасрларнинг жилваси билан безатилган яшил парча либосдек ярқираб туради. Суғд Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридир, унда энг яхши дарахтлар ва мевалар, одамлар яшайдиган ҳамма жойда боғлар, ҳовузлар ва оқар сувлар бор. Оқар сувли ариғи бўлмаган кўча ёки уй камдан-кам учрайди».

Амир Темур замонида ҳам Зарафшон воҳаси Истахрий таърифлаган гўзаллигини сақлаб қолган эди. Ҳазрати Соҳибқирон фахр билан айтар эканки: «Менинг бир боғим борки, у Самарқанддан Бухорогачадир». Қудратли салтанат пойтахти тевирагида Амир Темур томонидан бунёд этилган боғлар хусусида муаррих Абу Тоҳирхожа Самарқандий шундай ёзади. «Самарқандда Амир Темур Кўраган солдирган боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада, еттита экан:

Биринчиси, Боғи Шимол — Самарқанд шимолида. Девори Қиёмат ичида. Иккинчиси, Боғи Баланд. Бу ҳам шимол томонда, Учинчиси, Боғи Биҳишт. Тўртинчиси, Боғи Чинор. Бу икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси, Боғи Дилкушо бўлиб, Конигилнинг жануб томонида. Конигил Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг ёқасида, Самарқандининг энг гўзал ва чиройли еридир. Олтинчи — Боғи Зоғон, Шовдор туманининг шимол тарафида воқеъдир. Еттинчи — Боғи Жаҳоннамо, Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бино қилингандир».

Биз Абу Тоҳирхожа ҳазрат Соҳибқирон тиклаган боғларнинг ҳаммасини санамаганимиз учун саноқда давом этамиз: Саккизинчи боғнинг номи «Боғи Нав» Тўқизинчи — «Боғи Бўлду». Бу боғ тахминан Боғи Дилкушога яқин ерда жойлашган. Ўнинчи, Боғи Нақши жаҳон, бўлиб, Чўпонота тепалигининг жанубий этакларида бўлган. Тадқиқотчилар бу боғ Амир Темур бино этган дастлабки боғлардан бири деб ҳисоблайдилар. Бобур мирзонинг ёзишича, боғ Оби Раҳмат ариғи ёқасида жойлашган. Ўн биринчи, Боғи Давлатободдир. У Самарқанд жанубида, Термизга кетиш йўлининг чап томонида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида барпо этилган. Яна бир ҳужжатга кўра, Дарғам ариғи ёқасида бўлган. Ўн иккинчи боғ Амир Темур замонида амирзода Шоҳруҳ шарафига ёки мирзонинг ўзи томонидан тикланган боғ бўлиб, у китобларда «Боғи амирзодан Шоҳруҳ» номи билан тилга олинади. Ўн учинчи, Боғи Майдон. Ўн тўртинчи, Боғча.

Биз бу боғлар хусусида мухтасар маълумот беришни мақсад қилдик, токи мозий муаррихларидан бири айтганидек, «ҳар эзгу ишдан ибрат олингиз, эй ақли салим эгалари!».

1. БОҒИ ШИМОЛ. Бу боғ халқ орасида Боғи Шамол номи билан машҳур бўлган. Боғ 1397 йили бино этилган. Муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, бу манзил боғ асос бўлмасдан олдин ҳам кўкаламзор жой бўлган. Яздий ёзади: «Ҳазрати соҳибқирон обод Самарқандининг шимолий томонидан барпо этгани «Боғи Шимол» номи билан машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиғгудек улкан саропарда (шоҳона чодир) қурдирди. Унинг дарвозаси олдидаги чодир (кўндалон) ҳамда подшоҳ қабулхонаси (боргоҳ) базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди. Бу Эрам боғи янглиғ ором масканини жаннатнинг базм саройи ҳасад қиладиган даражада ораста салобатли қилиб безатдилар. Қазодек кескир фармон содир бўлдики, ул фирдавсмонанд боғда амирзода Мироншоҳнинг қизи, олий иффат соҳиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи балаҳд қаср ва гўзал бир ишратгоҳ қурсинлар. Форс ўлкасининг барча вилоятлари, Ироқ, Озарбойжон, Дор-ус-салом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан жамъ бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарҳини ўткир Фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар. Уни ҳазрати соҳибқирон маъқуллагач, ёрқин раъйли мунажжимлар қаср қурилишини бошлаш учун муносиб вақтни белгилашда ҳушёрлик ва эҳтиёткорликнинг барча шартларига риоя қилган ҳолда 799 сана жумод ал-охир ойининг (1397, март) қувончли бир соати ва бахтли бир толеъида қаср қурилишини бошладилар.

Қасрнинг тўрт рукнини амирлар ўртасида тақсимлаб, ҳар бир ишбоши ихтиёрига бир мамлакатдан келтирилган усталару бир диёрдан келтирилган ҳунармандларни тайин қилдилар... Мустаҳкам рукнларини бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтардилар. Ҳар бир рукнига Табриздан келтирилган мармар тошдан ишланган биттадан устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин нигорхонасини уяту ҳижолат ғубори қоплади. Қасрнинг саҳнига мармар тошлардан ва Кўҳи Нур (Нурота)дан, келтирилган тошлардан чиройли қилиб ётқиздилар... Ташқи деворининг ич тарафидаги изорасини кошин билан безадилар».

Бу сарой ҳақида машҳур мажор олими Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Моароуннаҳр тарихи» асарида шундай ёзади: «Бу сарой тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам. Унинг мармар гуллари ажойиб, ҳайратли эди. Замин қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли эди...».

Бир қатор тарихий манбаларда боғ шаҳарнинг «Девори Қиёмат» деб аталган қадимий девори чегарасида, Дамашқ (Димишқ) қишлоғи яқинида бўлган, деб кўрсатилади. Ўша ерда боғ номи билан аталган ариқ оқиб ўтган. Самарқандликлар Амир Темур боғи шарафига шаҳар туманларидан бирини Боғишамол деб аташган.

2. БОҒИ БИҲИШТ — Самарқанднинг ғарбий тарафида малика Туман оғо шарафига 1378 йилда бино этилган. Бу боғ Боғи Шимолнинг жануби—ғарбида жойлашган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да ёзишича, боғдаги сарой атрофини сув билан тўлдирилган чуқур ҳандақ ўраган бўлиб, бир неча кўприк сарой билан боғни ўзаро боғлаб турган. Ғоят кўркам боғ саройи атайлаб кўтарилган сунъий тепалик устида Табриздан келтирилган оқ мармардан тикланган.

Боғи Биҳиштнинг бир томонида ҳайвонот боғчаси — қўриқхона бўлиб, ундаги жониворлар қафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор Ғарб тадқиқотчилари, Амир Темурни илк қўриқхона асосчиси деб ҳисоблайдилар.

3. БОҒИ БАЛАНД. У шаҳарнинг шимолидаги Чўпонота тепалиги ёнбағрида барпо этилган. У Амир Темурнинг энг гўзал боғларидан бўлиб, боғни яратишда Эрон, Ироқ, Озарбойжон ва бошқа забт этилган мамлакатлардан келтирилган уста меъморлар қатнашган. Боғдаги Табриз мармари билан тикланган сарой биноси учта катта хонадан иборат бўлиб, унда қимматбаҳо буюмлар, нодир санъат асарлари сақланган. Бу боғ соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Оғабегимга атаб қурдирилган. Самарқанд шимолидаги баландликда барпо этилгани сабаб Боғи Баланд номини олган. Боғнинг асосий қисми узумзор, олмазор ва анжирзордан иборат бўлган. Ҳозиргача Боғи Баланд билан аталган бу манзил ўзининг тўкин анжирзорлари билан машҳур.

4. БОҒИ ДИЛКУШО — Самарқанд шарқидаги боғ. Шаҳардан тахминан олти километр масофада, Панжакент йўлининг ўнг томонида бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Дилкушони бино қилиш давомида олдиндан мавжуд бўлган ўн иккита боғ бирлаштирилиб мукаммаллаштирилган. Боғ қурилиши 1396 йилда бошланган. Боғда гумбаз шаклида тикланган қаср бўлиб, унинг уч томонида миноралар юксалиб турган. 1398 йил баҳорида — Ҳинд юриши арафасида шу янги боғда Амир Темур мислсиз тантаналар ўтказиб, амир Хизрхўжанинг қизи Тўқалхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган.

Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлсин учун «Боғи Дилкушо» деб атади».

Боғи Дилкушо тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг газга баробар келган. Тўрт томонда тоқи рангли кошинлару нақши нигорлар билан зийнатланган дарвозалари бўлган. Шаҳарга қараган дарвоза тоқида «Дарвозан Феруза» деб ҳал билан жуда чиройли ёзилган. Бобур мирзо ёзишича, «Андин (боғдан) Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, иккитарафида терак йиғочлари эктирибтур».

Боғнинг тўрт бурчагида, муаррихлар таърифлаганидек, ат-Тоир юлдузига етгудек баланд минорлар қад кўтарган. Боғ саҳни ҳандаса услубида тўртбурчак шаклидаги йўлаклар ва олтибурчагу учбурчак шаклидаги чаманзорларга бўлинган. Йўлаклар четида оқтераклар, олти ва учбурчакли чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар, гулбуталар яшнаган. Боғ ўртасида юксак гумбазли қаср тикланиб, унинг уч пештоқи ва уч минораси бўлган. Оқ мармардан тикланган бу сарой деворлари ой нурида товланиб турган. Узоқдан ҳам саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузлар акс этган кошинлар билан безатилган пештоқи яққол кўринган. Муаррихлар Рум урушидан қайтган Соҳибқирон узоқ муддат бу боғда тўхтаб, суюкли набираси Мирзо Улуғбек билан суҳбатлар қурганини ёзадилар. Пештоқларда осмону юлдузларнинг акс эттирилиши нафақат Амир Темурнинг илми фалакиётга қизиққанини, шунингдек, унинг набирасининг кўнгил ҳавасидан хабардор бўлганини маълум қилади.

1399 йилда қаср деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши воқеалари рангин тасвирланган («Бобурнома»дан:»... кўшкта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар»). Ўша пайтда Амир Темур саройидаги нақкош ва мусаввирларнинг раҳбари Абдулҳай ал-Бағдодий бўлган. Абдулҳай қўл остида ишлаган санъатчилардан айримларининг, жумладан, уста Абдулла ва Заҳириддин Азҳор кабиларнинг номи ҳам маълум. Агар Абдулҳай ал-Бағдодий Самарқандга 1393 йили келтирилгани, Ҳиндистон юриши эса 1398-1399 йилларда бўлганини инобатга олсак, Боғи Дилкушо деворларидаги жанг манзараларини Абдулҳай ва унинг тасарруфидаги усталар ижод қилгани хусусида тахмин қилишимиз мумкин, Амир Темур 1404 йилнинг 8 сентябрида Кастилия қироли элчиси Руи Де Клавихони Боғи Дилкушода қабул қилган. Клавихо боғдаги фавворадан отилиб турган сувнинг тепадаги оltиндан ясалган олмаларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал манзарадан беқиёс ҳайратга тушганини ёзади. Кейинчалик боғ ўрни Хончорбоғ деб аталган.

5. БОҒИ ЧИНОР — Самарқанд жанубида, Дарғам ариғи ёқасида бино этилган боғ. У ерда чинорлар ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабабидан «Боғи Чинор» деб аталган. Бу боғ ўрни бўлган ва кейинчалик Хожа Кафшар номини олган манзилда ҳозир ҳам чинорлар кўп («Самария»дан: «Хожа Кафшар шаҳарнинг жанубий томонида ва бир тошнинг учдан бир улуши (тўрт минг қадам) чамаси олисроқдадир»).

Муаррих Ғиёсиддин Али бу боғ ҳақида маълумот бериб, у шарқ томонда бўлган деб ёзади. Шарафиддин Али Яздий эса боғ Кеш шаҳридан келишда (шаҳарда яқин турган) биринчи боғдир, деб хабар беради. Бошқа маълумотлар ҳам Шарафиддин Алининг сўзини тасдиқлайди. Масалан, Бобур мирзо ёзадиким: «Яна Самарқандининг жанубида Боғи Чинордур, қалъаға ёвуқтур». Клавихо ўз асарида «Боғи Чинор янги қурилган катта ҳашаматли сарой жойлашган боғ эди» деб қайд этади. Бу маълумотга кўра, боғ 1400 йилдан кейин тикланган бўлиши эҳтимоли бор.

Тарихдан маълумки, кейинчалик Моароуннаҳр ҳокими бўлган Мирзо Улуғбек даврида ҳам боғ обод бўлган. Абдурраззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 1420 йил баҳорида Мирзо Улуғбек пойтахт Ҳиротдан келган онаси, салтанат маҳди улёси Гавҳаршод оғо шарафига Боғи Чинорда «подшоҳона тўй ва хуснавона зиёфат» берган.

6. БОҒИ ЗОҒОН — Самарқанднинг шарқий томонида, шаҳардан тахминан 20 км масофада Кўчан Хиёбон, яъни Самарқанднинг Хиёбон мавзесига олиб борадиган йўл устида, «Самария» муаллифи ёзганидек, «Шовдор туманининг шимол томонида» бўлган. Бу боғ ўрнида бугун Боғи Зоғон қишлоғи мавжуд.

7. БОҒИ НАВ — Самарқанд жанубидаги Лолазор қишлоғи яқинида 1404 йили барпо этилган боғ. Боғ Амир Темурнинг барча боғлари каби тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд девор билан ўралган. Боғнинг ҳар бурчагида миноралар қад тиклаган. Боғ ўртасида гумбазнамо қаср қурилган, унинг олдида катта ҳовуз ҳам бўлган. Қаср хоналари қимматбаҳо буюмлар билан безатилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Наз билан Боғи Дилкушонинг ҳар томони бир ярим минг газ, яъни томонлари мингга минг метрлик шакл — квадратдан иборат бўлган. Клавихо ўз саёҳатномасида Боғи Нав ҳақида ёзади: «Боғнинг тўрт томони баланд девор билан ўралган, ҳар бир бурчида баланд, юмалоқ, минора қад кўтарган. Девор ҳам минора каби зийнатланган эди. Боғ ўртасида эса хочнамо шаклда катта бино қад кўтарган, унинг олдида катта ҳовуз бор. Бу бино биз аввал кўрган биноларга қараганда анча катта бўлиб, олтин ва ложувард билан зийнатланган. Бу боғ ва саройлар шаҳардан ташқарида бўлиб, мазкур боғ Боғина (Боғи нав) деб аталади».

8. БОҒИ ЖАҲОННАМО — Самарқанд жанубидаги Тахти Қорача довонига яқин, шаҳардан 24-25 км узоқдаги Қоратепа қишлоғида бино қилинган боғ. Боғнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темурнинг ҳарбий юришлар арафасида ва жангдан қайтишида ҳордиқ оладиган маскан бўлиб ҳисобланган. Айрим тадқиқотчиларнинг ёзишича, Соҳибқирон барпо қилган боғлардан ёлғиз Боғи Жаҳоннамогина йўқдан бор этилган, қолган боғлар эса асосан мавжуд боғлар ўрнида таъмир ва кенгайтириш йўсинида бунёд этилган. Боғдаги сарой 1398 йилнинг баҳорида қурилган, деб маълумот беради Шарафиддин Али Яздий. Муаррихларнинг муболағасига кўра, боғ шу қадар улкан эканки, у ерда бир от йўқолиб қолиб, олти ойдан кейин топилган экан.

9. ГУЛБОҒ — Самарқанднинг жануб томонида, Тахти Қорача довони яқинидаги боғ. Боғ ўртасида қаср жойлашган ва унинг ёнидан тоғдан тушган жилға оққан. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, боғ 1398 йилда барпо қилинган. Муаррих ёзади: «Ҳазрати Соҳибқирон бир неча кундан сўнг (Самарқанддан кўтарилиб), Азимат жиловини Кеш томон жўнатди. Бу йўлда бир тоғ борки, ундан Самарқандгача қарайиб етти фарсаҳ келади. Унинг бошланишида бир анҳор оқади. Дарёдек сахий ва осмондек шавкатли подшоҳона ташриф шуъласи у тоққа тушди. Оламни тартибга келтириб равнақ бериш борасида ҳимматининг зўрлиги туфайли иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган, мамлакатларга оро берувчи раъй бу мавзеда бир боққа асос солишга фармон берди, токи бу чучук сувли анҳор у жаннат кетган. Хуллас, бу йўллардан юриб, бутун боғни томоша қилиш мумкин эди. Боғда атрофи ёғоч қозиқлар билан ўралган сунъий барпо қилинган усти текис теپалик бор, Теپалик устида ажойиб сарой қад кўтарган. Сарой олтин, ложувард ва ялтироқ кошинлар билан тўкис зийнатланган. Сарой жойлашган мазкур теپалик сувга тўла хандақ билан ўралган. Хандаққа доимий равишда катта сув оқими тушиб туради. Теپалик устидаги саройнинг икки қарама — қарши томонида унга кириладиган иккита кўприк қурилган. Ҳар бир кўприкнинг олдида дарвоза бор, ундан кейин теپалик устида кўтариладиган зинапоя. Хуллас, мазкур сарой мустаҳкам қўрғон эди. Боғда шоҳ (Темур) топшириғи билан эркин қўйилган кийиклар ва тустовуқлар (товуслар ҳам. Х. Д.). мавжуд. Боғдан катта узумзорга чиқадиган дарвоза бор. Боғ каби катта ва кенг узумзор атрофидаги теپалик бўйлаб ўстирилган баланд дарахтлар жуда чиройли кўринади. Мазкур боғ ва сарой «Талисия», уларнинг тилида эса Кальбет (Давлатобод) деб аталади». Клавихо китобининг 1990 йилги Москва нашрида Кальбет бу Гулбоғ деб нотўғри кўрсатилган.

13. БОҒЧА — Самарқанд шаҳрининг ичида, амирзода Муҳаммад Султон мадрасаси ва дахмаси (Бу ер Гўри Мир деб аталади) ёнида барпо этилган кичик боғ. Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Оламни забт этувчи соҳибқирон Жаҳоннамо қасридан саодат билан отга миниб, 807 йил муҳаррам ойида (1404 йил июлида) Самарқандда Боғи Чинорга келиб қўнди, у ердан шаҳар ичига кирди ва (марҳум) бахтли шаҳзода Муҳаммад Султон мадрасасини келиб кўриб, (қабрни) зиёрат қилиш расмини адо этди... Бу ерда фармон чиқдики, шаҳзоданинг нурли қабри учун унинг ҳиммат меъмори томонидан қурилган мадрасага улаб бир гумбаз кўтарсинлар. Фармонга мувофиқ хонақоҳ майдонининг олд томонидан (мадрасанинг) жанубий суффасига улаб фалак янглиғ бир қубба бунёд эттилар, унинг изорасини тилло ва ложувард билан нақшланган мармар тошлардан ишладилар ҳамда маҳрифатга чўмилгур мурдани қўйиш учун бир саддоба ковладилар. Сўнгра ҳатми Қуръон қилиб, ожизу эҳтиёжмандларга садақалар улашиб, барча расм-русумларга риоя қилинган ҳолда марҳум шаҳзода жасадини хонақоҳнинг гумбази остидан шу садобага кўчирдилар. Мадраса атрофида бўлган бир нечта уйни бузиб, жаннат мисол бир боғча яратдилар...».

14. БОҒИ МАЙДОН — Самарқанд шимолида, Афросиёб билан Чўпонота тепаликлари оралиғида барпо этилган боғ. Бобур мирзо бу боғни Мирзо Улуғбек барпо этган деб ёзса-да, бошқа бир қатор асарлар боғ Амир Темурдан қолгани ва соҳибқирон набираси уни таъмирлагани, унда кўшк солгани ҳақида ёзадилар. «Бобурнома»дан: «Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна (икки қаватли), сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек бурждар қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар». Бу жойни Мирзо Улуғбек тиклаган сарой номи билан Чилустун деб ҳам аташган.

Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур замонида боғда чиройли айвон қурилиб, унда қимматбаҳо тошдан тахт ясалган.

ШУНИНГДЕК, Амир Темур замонида соҳибқирон фарзандлари, набиралари ва салтанатнинг нуфузли амирлари томонидан бунёд этилган боғлар ҳам мавжуд бўлгани бир қатор тарихий солномаларда қайд этилган. Кейинчалик буюк боғбон — Амир Темурнинг авлоди, оталари ва боболаридан ибрат олиб Самарқанддагина эмас, Ҳиротда (Шоҳруҳ, Ҳусайн Бойқаро), Ҳиндистонда (Бобур ва бобурийлар) кўплаб ажойиб ва беқиёс боғлар яратдилар. Бу анъана бугун ҳам ўлгани йўқ. Самарқандда Амир Темур боғлари тикланаётгани, Тошкентда Миллий боғ ва бошқа яшил чаманзорларнинг бунёд этилгани фикримиз далилидир.

Яқинда матбуотда кенг ёритилган ва боғдорчилик равнақига бағишланган республиканинг бир гуруҳ фахрийлари мурожаати она юртимизда кўплаб янги боғларнинг бўй чўзишига хизмат қилиши шак—шубҳасиздир. Халқимизнинг «Яхшидан боғ қолади», «Боғ яратган яшарар», «Боғи борнинг бахти бор» каби мангу боқий ҳикматлари бор.

Буюк Қодирий: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар», — деб ёзган эди. Шунга кўра мен ҳам ушбу мақола учун мавзуни олис шонли кунларимиз — Амир Темурнинг шукуҳли замонидан белгилаб, улуғ бобомизнинг келажак насллар учун ибратомуз ишларидан ҳикоя қилдим. Нуқтани ҳам донишманд соҳибқироннинг доно сўзлари билан якунлайман: «Хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат!».

Ўзбекистонимизда ҳамон Наврўз байрами давом этмоқда. Бундай тантаналар шаҳару қишлоқларда, ташкилоту муассасаларда кенг нишонланмоқда.

СУРАТДА: Тошкентдаги 111-мактабда Наврўз байрами тантаналаридан лавҳа кўриб турибсиз.

Владимир ХАРИТОНОВ олган сурат.

ҚАДРДОН ДАРГОҲГА ҚУЛЛУҚ

Ўқитувчилик шарафли касб. Ўқувчингиз сизни кўчада тан олиб сўрашса, кўпинча танимай ҳам қоласиз. Унинг шундай одамшаванда, одобли, уддабурон, халққа фойдаси тегадиган инсон бўлганлигини кўриб фахрланасиз.

Яқинда Акмал Икромов туманидаги 283-мактабда НАВРЎЗИ олам зўр тантана билан байрам қилинди, Дошқозонларда сумалаклар қайнаган, ошлар дамланган. Оппоқ дастурхонлар миллий таомлар билан безатилган. Тантана бошланишидан аввал мактаб директори Амиржон Алимов йиғилганларни меҳмонлар билан таништирди. Меҳмонлардан бири Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Ўзинтерсервис» бош директорининг ўринбосари Алишер Абдуллаев шу даргоҳнинг собиқ ўқувчиларидан эканлигини, улар аълочи ва камхарж оилали ўқувчиларга хайрия ёрдами бериш учун келганлигини эшитиб ўқитувчиларнинг байрам кайфиятлари янада кўтарилди. Алишер Файзуллаевич 20 ўқувчининг оиласига 700 минг сўм пул ва эсдалик совғалари топширди, бешта аълочи ўқувчининг ҳар бирига 15 минг сўмдан стипендия белгиланди. Бундан ташқари, мактаб таъмирига доимо ёрдам бериб туришга аҳд қилди.

М. САЪДИНОВА.

• Шундай инсонлар бор бўлсин

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ...

Хизмат юзасидан фан доктори унвонига сазовор бўлган аёл билан учрашиш учун унинг олдига бордим. Суҳбатлашиб ўтирмадик. Телефон жирингладию, «лаббай» деб дастакни олган аёл ўрнидан туриб кетди. Қўлини кўксига қўйиб гаплашаётган одами худди олдида турмандек тавозе билан қуллуқ қилди. Мен ҳайрон эдим. Фақат «Сиз меҳмонлар билан бафуржа келинг, мен унгача ўзим бозор-ўчар қилиб, уйга бориб ош дамлаб тураман. Хотиржам бўлинг», деган гапларидан сўнг қўнғироқ қилган одам шу аёлнинг турмуш ўртоғи эканини англадим. Тўғрироғи, ўшанда ҳаётда меҳр-оқибатли, бир-бирининг «соясига ҳам кўрпача солгувчи», ҳатто телефоннинг «ичидаги» одамга (худди у кўраётгандек) иззат-икром кўрсатадиган шундай эр-хотинлар ҳам бўлишига иймон келтирган эдим. Яшириб нима қиламан, бу аёл саксонинчи йилларда республикамизда биринчилардан бўлиб иқтисод фанлари доктори унвонини олган Раъно Аҳадовна Убайдуллаева, хотининнинг иши нақадар тиқилинч бўлишини билганидан дабдурустдан чет эллик меҳмонларни олиб бориб, уй бекасини қийнаб қўймаслик учун ҳеч бўлмаса бозорини ўзи қилмоқчи бўлган киши республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош пульмонологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев эди.

Абу Наср Фаробийнинг бир яхши ҳикматлари бор: «Ўзини илмга бағишлайдиган киши одамларга меҳрибон, ҳақгўй, фисқу-фужур, гина, ҳиёнат, макр ва ҳийладан ҳоли бўлиши керак». Назаримда, бу сўзлар фақат Абдулла ака ҳақида, ўттиз беш йилдан буён фтизиатрия ва пульмонология соҳасида меҳнат қилиб, республикада пульмонология илмий мактабини яратган, том маънода ўзини илмга бағишлаган инсон ҳақида айтилгандек туюлади.

Эллик саккизинчи йили Тошкент тиббиёт институтини тамомлаган Абдуллажон ишлаш учун Шифокорлар малакасини ошириш институтига юборилади. Унинг аспирантлик даври шу ерда бошланди. Тиббиётнинг ҳали батафсил ўрганилмаган ўпка касталиклари, унинг олдини олиш, даволаш усуллари устида кузатувлар, текширишлар олиб борди. Шу даргоҳда у оддий клиник ординаторликдан иш бошлаб, кафедра мудири, профессор даражасигача кўтарилди. Етмиш саккизинчи йили унинг ташаббуси билан ташкил этилган пульмонология кафедрасига ўзи бошчилик қила бошлади.

Орадан кўпам вақт ўтмай, табиатан оғир-вазмин, «етти ўлчаб бир кесадиган» Абдулла Муҳаррамович катта даргоҳ — Сил касалликлари илмий-текшириш институтига директор этиб тайинланди. Тўғрироғи, елкасига катта масъулият юкланди. Унинг раҳбарлик қобилиятига ишонч билдирилди. Зеро, Абдулла ака ўзининг ширин муомалалиги, тўғри маслаҳатгўйлиги, одамларнинг кўнглини топа билганидан кўпчиликнинг бошини қовуштира олди. Институт жамоаси билан олиб борилган самарали илмий ва назарий фаолият, шунингдек, республикадаги пульмонология хизматига қўшилган катта ҳисса эвазига саксон тўққизинчи йили бу даргоҳ фтизиатрия ва пульмонология илмий марказига айлантирилди. Бугунги кунда эса шу соҳа бўйича бу ерда Абдулла Убайдуллаев раҳбарлигида қатор илмий тажрибалар олиб борилмоқда. Энг муҳими, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилянти.

Дарвоқе, малакали тиббий хизмат дедик. Шу ўринда бир воқеани айтмай ўтолмайман. Ўтган йили куз фаслида Фарғона вилоятининг Миндон қишлоғида яшовчи ногирон йигит Эркинжон Қосимовдан таҳририятимизга бир мактуб келди. У Миндонобод даштида синфдошлари билан бирга бидонда сув ташиётганда орқа умуртқа поғонаси шикастланганини, шундан сўнг бутунлай юролмай, ҳаракат қилолмай ётиб қолганини ёзган. Ўн йилдан ортиқроқ вақтдан буён кўрар кўзи шифохонаю, ҳамсуҳбати оқ халатли шифокорлар бўлган бу йигит фақат Санкт-Петербургдаги врачлардангина нажот топиши мумкинлигини, бунинг учун эса унга маблағ лозимлигини, дарду алам билан ёзиб, саҳоватпеша одамлардан нажот сўраган эди.

Куни кеча таҳририятимизнинг хатлар бўлимига Эркинжондан яна бир мактуб келди. Уни Тошкентдаги фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти клиникасига олиб келишибди. Эркинжоннинг ҳаёти энди ишончли қўлларда эканига имоним комил.

Абдулла Убайдуллаевни нафақат республикамизда, балки чет элларда яхши билишади, илмий ишларини қадрлашади. У саксон олтинчи йилдан буён Европа пульмонологлар жамияти аъзоси, ўзининг илмий маърузалари билан пульмонологларнинг халқаро конгресс ва симпозиумларида иштирок этган. Шунингдек, республикамизда биринчи бўлиб нафас олиш йўллари системасининг функционал тадқиқи бўйича халқаро сертификат олган олим ҳамдир.

Ҳар қандай яхши олим ҳам яхши ота, оила бошлиғи бўла олмаслиги мумкин. Бироқ Абдулла ака ва Раъно опа оиласига ҳавасинг келади. Улар бир-бирларини имо-ишора билан ҳам тушунишади десам янглишмайман. Ўртадаги меҳр-оқибат, ишонч—садоқат фарзандлар, набираларга ҳам намуна бўлгулик. Инсонда ҳамма нарса, инчунун оиласи ҳам гўзал бўлса, улар фақат ҳавас қилгулик инсонлар бўлади.

Умида ФАЙЗИЕВА.

СПОРТ

ФУТБОЛ

Ниҳоят миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган кун келди. Олий лига жамоалари яшил майдонга тушдилар. 27 март куни республикамиздаги қатор стадионларда футбол марши янграб чемпионат байроғи кўтарилди.

Мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони — «Нефтчи» биринчи тур учрашувини сафарда ўтказди. Фарғоналиклар Нукусда «Орол»га қарши майдонга тушиб 3:1 ҳисобида ғалаба қилдилар. «Пахтакор» эса «Сурхон» (Термиз)ни, қабул қилди. Ўйинда меҳмонлар устун келишди. «Пахтакор» 0:1 ҳисобида «Сурхон»дан енгилди.

Бу йилги чемпионат ўйинлари қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Қолаверса, жамоалар Ўзбекистон кубоги учун бўладиган учрашувларда омадларини синаб кўради. Миллий терма жамоамиз Японияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этса, «Нефтчи» (Фарғона) ва «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари эса Осиё чемпионлари кубоги ва кубок эгалари кубоги беллашувида қатнашадилар.

Жаҳон чемпионати олдидан

ФУТБОЛ «ОБ-ҲАВОСИ»

Вақт ўтиши билан тартиб-қоидалар даврга мослаб ўзгартирилади. Жумладан, футболда ҳам шундай. Илгарилари дарвозабон ҳимоячидан тўпни бемалол қабул қилиб олиши мумкин эди. Вақтдан ютиш мақсадида ёки ўйин суръатини пасайтириш учун атайлаб шундай қилинарди. Очиғи, бундай ўйин усули мухлислар ғашини келтирарди. Дарвозабоннинг шериклари оширган тўпни қўли билан ушлашига чек қўйилганлиги яхши бўлди.

Шу йил ёзда Америкада бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати олдидан ўйин тартиб-қоидаларига ўзгартишлар киритилди. Энди ҳар бир жамоадан уч футболчи—дарвозабон ва икки ўйинчини алмаштиришга рухсат берилди. Рақибининг оёғига атайлаб тепганлар эса гапсўзсиз майдондан чиқариб юборилади. Умуман қондабузар ўйинчиларга шафқат қилинмайди. Қисқаси, Америка футбол «об-ҳавоси»нинг қандай бўлиши ҳозирдан маълум. Интизомли футболчилар учун «ёмшоқ», ўзини тута билмайдиганларга «қаттиқ» бўлади.

Равшан ШОДИЕВ.

«ҚУЛБОЛА» МАҚОЛЛАР

- Мард бозорда билинар.
- Ширкатчидан кетгунча, эгасига етгунча.
- Пул пулдан қувват олар.
- Олтин олма, доллар ол.
- Иўғини ўмариб олган олим, орланиб олмаган ўзига золим.
- Беш панжангни оғзингга тиқ.
- Ўмборчи изидан, сотувчи сўзидан қайтмас.
- Берса ол, бермаса сўра.
- Қассобга гап ўтмас, ҳарсангга мих.
- Гилам сотсанг жиянга сот, нархи ошса қайтариб оласан.
- Қаерда ишлашингни айт, сенинг кимлигингни айтаман.

Асрор АБРОРХЎЖАЕВ.

«ШОҲНОМА»ГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Маълумки 1989 — 1994 йиллар орасида беш йил ЮНЕСКО томонидан «Шоҳнома» йили деб эълон қилинган.

Кимнинг ақли бошда,
эс-ҳуши бутун,
Мендан сўнг номимга
ўқир офарин!—

деган эди буюк даҳо эгаси Абулқосим Фирдавсий. Унинг жаҳон бадиёт хазинасига қўшилган улкан ва ажойиб дурдона асари — «Шоҳнома» минг йиллигини бутун жаҳон нишонламоқда.

Шу кунларда бу сана бизнинг мамлакатимизда ҳам нишонланмоқда. Яқинда Тошкент давлат Шарқшунослик институтида мазкур институт, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик, Алишер Навоий номидаги адабиёт институтлари ҳамда Ўзбекистон республикаси ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда илмий анжуман ўтказдилар. Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё халқлари ўн асрдан бери ардоқлаб ва эъзозлаб ўқиб келаётган «Шоҳнома»нинг минг йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда адабиётшунос ва тарихчилар билан бирга афғонистонлик олимлар ҳам қатнашишди.

Анжуманда Эрон ислом республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Сайид Мусо Ҳошимий Гулпойгоний нутқ сўзладилар ва институтга Фирдавсий «Шоҳнома»си бир жилдлиги ҳамда унга ишланган миниатюра расмлар мажмуасини тақдим этдилар.

Гулхумор ТУЙЧИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СОАТ 24.00

ХОРАЗМ. Урганчда содир бўлган бу воқеани эшитганлар: «Ҳа, нима бўлгандаям ўгай-ўгай-да. Ўз отаси бўлганда шундай қиларми?» — дейишади.

Дарҳақиқат, «Оқолтин» жамоа хўжалигида яшовчи 4 яшар Сардорнинг ўлимига ўгай отаси сабабчи бўлди. У болани урди, оғир тан жароҳати етказди. Зарбага дош беролмаган гўдак касалхонага етмасдан қазо қилди.

* * *

ФАРҒОНА. Марғилон шаҳрининг хилват кўчаларидан бирида олтиариқлик талабанинг кийиб юрган жинси шими йўлтўсарликка сабаб бўлди. Уни шаҳар кўчасини тўлдириб юрадиган йигитлардан бири тўхтатиб, пинҳон жой — уйнинг ертўласига олиб тушдию қўрқитиб шимини ечиб олди. Сўнг арз-додига ҳам қулоқ тутмай, хайр-маъзурсиз, «кузатиб» қўйди.

Ўзининг шимсиз қолгани тўғрисида 1,5 ойгача жим юрган талаба охири ички ишлар ходимларига дардини ёрди. Тезкор кўрилган чоратадбирлар натижасида зўравон ушланди.

* * *

СУРХОНДАРЁ. Ангор тумани ички ишлар ходимлари К. Туяков номидаги давлат хўжалигида яшовчи («Ферам» кичик корхонасида ишловчи киши)нинг уйидан 800 грамм қора дори топишди.

Бу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

* * *

САМАРҚАНД. Шаҳардаги касалхоналардан бирига олиб келинган киши кўп ўтмай вафот этди. У қорнидан чуқур кесилган оғир тан жароҳати олганди. Олтмиш ёшли бу кишига шу қадар жабр етказган қотилни топиш учун ички ишлар ходимлари тезда ишга киришдилар. Жиноятчи марҳумдан бир ёш кичик бўлиб, шаҳардаги кимё заводида ишлар экан.

* * *

АНДИЖОН. Шаҳрихонда содир бўлган воқеа ҳам шунга ўхшайди. Фақат унинг ижрочилари кекса кишилар эмас, балки энди куч-қувватга тўлган ёш йигитлардир. 1971 йилда туғилган икки йигитнинг бири жанжал туфайли иккинчисининг умрига зомин бўлган.

Ш. РЎЗИЕВ.

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ АКЦИОНЕР—ТИЖОРАТ БАНКИ

ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ ХИЗМАТ— ҲАММА УЧУН!

Республикада энг йирик банклардан бири АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКи сизни яқиндан ҳамкорлик қилишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ва қуйидаги хизматларни кўрсатади:

— сўм-купондаги ҳамда эркин муомаладаги валюта маблағларни ва фуқароларнинг ҳар қандай миқдордаги сўм-купон жамғармаларини депозитга қабул қилади;

— кредитларни қулай шартлар билан олишингиз мумкин;

— аҳолининг қўйган жамғармаларидан юқори даромад олишларига кафолат беради;

— мижозлар топшириғига кўра ишонч операцияларини амалга оширади;

— факторинг ва лизинг операцияларини бажаради;

— қимматли қоғозлар бўйича операциялар олиб боради;

— лойиҳаларни муҳандислик иқтисодий экспертизаларини амалга оширади;

— маслаҳатлар беради ва бошқа кўпгина хизмат турларини кўрсатади.

Банкнинг эълон қилинган устав сармояси 75 миллиард сўмни ташкил этади. Республикадаги операцияларнинг ҳар иккинчисини ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНКи амалга оширади. 7500 юридик ва жисмоний шахслар Банк акциядорларидир. Банк республика бўйича 185 та шўъбалар ва бўлимларига эга ва дунё ҳамда МДҲ мамлакатларининг энг катта банклари билан ҳамкорлик қилади ва корреспондент алоқаларни ўрнатган.

Ўз ишини банк хизмати анъаналари, ходимларнинг юқори омилкорлик даражалари билан уйғунлаштириб, маблағларни бут-бутун сақлашга ва самарали фойдаланишга кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси акционер-тижорат деҳқончилик саноат банкининг йиллик ҳисоботи республика хўжалик ҳисобидаги мустақил акционер банк аудит «ЎЗБАНКАУДИТ» жамияти томонидан 1994 йил 22 февралда 01001/35 рақамли ҳужжат билан тасдиқланган:

БАЛАНС

(млн. сўм)

№	Моддалар номи	Актив	Пассив
1.	Устав фонди		29024
2.	Захира фонди		4011
3.	Махсус ва бошқа фондлар		18983
4.	Чет эл валютасидаги операциялар	208	240
5.	Хорижий валюталар	1	
6.	Пул маблағлар	1	
7.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги кредит ресурсларни мувофиқлаштириш фонди	85657	
8.	Банк акциялари	100	
9.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги корреспондент ҳисоб варағи	1016944	826983
10.	Мижозларнинг ҳисоб-китоб варақалари		414866
11.	Берилган кредитлар	1473760	
12.	Депозит ҳисоб варақалари		11765
13.	Фуқаролар омонати		2445
14.	Ҳисоб-китоб варақаларидаги маблағлар	24474	39470
15.	Бошқа активлар ва пассивлар	477	63394
16.	Асосий воситалар, қиммати паст бўлган ва тез эскирувчи буюмлар, хўжалик инвентарлар ва банкнинг хўжалик харажатлари	6582	
17.	Банклараро кредитлар	30203	1225288
18.	Келгуси даврлар даромадлари		1938
19.	Оборотдан чиқарилган маблағлар	51188	
20.	Йиллик фойда		51188
	БАЛАНС	2689595	2689595

1993 йил мобайнида ҳаммаси бўлиб, 150699,6 млн. сўм даромад олинди, банк харажатлари 99511,2 млн. сўм, шу жумладан 88 млрд. сўм сотиб олинган кредит ресурслар учун тўланган харажатлардир ва кўрилган фойда 51188, 4 млн. сўмни ташкил этди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«СРЕДАЭЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» трести жамоаси, трестнинг собиқ бошқарувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик Садриддин Калоновга опаси

Муборакхон ҲАСАНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон саноат парранда-дачилик ишлаб чиқариш бирлашма жамоаси бирлашма раиси Ҳ. Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси

Лаълихон Ҳожи она ЭШОНҚУЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамоаси «Ўзпаррандасаноат» бирлашмасининг раиси Ҳамиджон Йўлдошевга онаси

Лаълихон ая ЭШОНҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради ва унга ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди—01.00.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6.